

«OLOY DEHQON BOZORI» АЖ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАГИ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ БАЁНИ

2017 йил 20 июнь

Тошкент шаҳри

Акциядорларнинг 2016 молиявий йил якуни буйича умумий йиғилиши Тошкент шаҳар Юнусобод тумани Амир-Темур кучаси, 40-уй манзилида, жамиятнинг маъмурий биносидан 2017 йил 20 июнь кунини утказилди. Реестр буйича акциядорлар сони 1849174 та. Йиғилишда 1824324 овозга эга 4 та акциядор қатнашди, йиғилиш утказиш учун кворум акциядорларнинг 98,7% ни ташкил этади, йиғилиш утказиш ҳуқуқига эга.

Жамият Устав жамғармасининг 98,7%га эгалик қилувчи Тошкент шаҳар ҳокимияти номидан ишончнома асосида Тошкент шаҳар ҳокимияти Савдо, хизмат курсатиш соҳаси ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш Департаменти бошлиғининг уринбосари Хайдаров Бахтиер қатнашди.

Йиғилиш раёсатига бир овоздан қуйидагилар сайландилар:

Хайдаров Б.Т. – Тошкент шаҳар Савдо Департаменти бошлиғининг уринбосари
Камолов Т.К. - “Тошбозорсавдо” уюшмаси инвестиция булимининг бошлиғи
Раззоқов А.А. – «Олой дехқон бозори» АЖ директори

Йиғилиш котибиятига бир овоздан қуйидагилар сайландилар:

Норбутаев С.

Йиғилиш саноқ хайъатига қуйидаги ходимлар сайландилар:

Мийлиев Б., Расулов Б., Раджабов Б.

Йиғилишга “Тошбозорсавдо” уюшмаси бош мутахассиси раислик қилди.

Йиғилиш кун тартиби:

1. Жамиятнинг ижроия органи ва кузатув кенгашининг йиллик ҳисоботини, жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш буйича қўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш.

2. Жамиятнинг 2016 йил молиявий-ҳужалик фаолияти якуни юзасидан ташқи аудиторлик текшируви ҳулосасини қўриб чиқиш.

3. Жамият тафтиш комиссиясининг уз ваколат доирасига қирадиган масалалар, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ҳулосалари.

4. Жамиятнинг 2016 йил якуни буйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш. ✓

5. Жамиятнинг 2016 йил якуни буйича фойда ва зарарлари ҳисоб варагини тасдиқлаш, унинг фойдаси ва зарарларини тасдиқлаш.

6. Жамиятнинг 2017 йилга мулжалланган «Бизнес-режаси»ни, ҳамда “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси”ни тасдиқлаш.

7. Жамиятнинг директори билан тузилган меҳнат шартномасини узайтириш. ✓

8. Жамиятнинг Кузатув кенгашини сайлаш. ✓

9. Жамиятнинг Тафтиш комиссиясини сайлаш.

10. Жамиятнинг ташкилий тузилмасига узгартириш киритиш ва қайта тасдиқлаш.

Йиғилиш регламенти қуйидагича тасдиқланди:

Асосий масалаларга 10 минутгача.

Сузга чиқувчиларга 5 минутгача.

Йиғилиш кун тартибидаги **биринчи** масала буйича жамият директори Раззоқов Аҳаднинг ҳисоботи тингланди. Жамият директори уз ҳисоботида 2016 йил якуни буйича амалга оширилган ишлар, эришилган ютуқлар ва мавжуд камчиликлар, жумладан жамият томонидан, 2016 йил якуни буйича «Бизнес режага» мувофиқ тасдиқланган даромадлар ва харажатлар сметасидаги ялпи даромад режаси 1388920,0 млн.сум булган, амалда 1455889.7 млн.сумга ёки режа 104,8%га бажарилган. Шундан жой ҳақи буйича даромад 864842,4 минг сум, хизмат ҳақи 99563,0 минг сум, СХК товарайланиши 46638,8 минг сум, СХК даромади 4997,0 минг сум, ижара ҳақи 254093,8 минг.сум, инфратузилма даромади 226102,0 минг сум ва бошқа даромадларни ташкил этган. Асосий ажратмалар буйича 1,6% пенсия жамгармасига 23293,6 минг сум, 1,4% йул жамгармасига 20381,9 минг сум, 0,5% мактаб фондига 7279,2 минг.сум ажратилган. ДСИ 50%ли солиқ ажратма 702446,9 млн сум, Сум ажратилган.

2016 йилга режалаштирилган харажатлар миқдори 592540,0 минг.сумни ташкил этган булиб, жами йил давомида 566499,1 минг сум, яъни режага нисбатан 26040,9 минг сум кам харажат қилинган. Иш ҳақи 206000,0 минг. сум, амалда эса 194832,8 минг.сум режага нисбатан 11168,2 минг. сум кам харажат қилинган, электр қуввати 90000,0 минг. сум, амалда эса 76939,5 минг.сум режага нисбатан 13060,5 минг. сум кам харажат қилинган, муниципал милиция ходимларининг иш ҳақи 24000,0 минг сум, амалда эса 44272,1 минг. сум режага нисбатан 20272,1 минг. сум куп харажат қилинган.

Соф фойда режаси 77643,9 минг сум, амалда 135989,0 минг сум режага нисбатан 58346,0 минг сум куп фойда олинган. 2017 йилга режалаштирилган ишлар ҳақида ҳисобот берди.

Берилган саволларга маърузачилар жавоб берганларидан сунг, раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала буйича овоз бериш бюллетенларига уз муносабатларини билдиришларини суради.

Йиғилиш кун тартибидаги **иккинчи** масала буйича «ASL-MOLIYA TAXLIL» МЧЖнинг 2016 йил якуни буйича утказилган аудит текшируви хулосасини аудитор мажлисга келмаганлиги сабабли, жамият қимматли қозғалар мутахассиси С.Т.Норбутаев уқиб эшиттирди, жумладан, аудит текшируви натижасига қура, жамият молиявий ва ҳужалик фаолияти, ҳамда бухгалтерия ҳисоботлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ келиши ҳақидаги 2017 йил 28 апрелдаги ижобий хулоса берилгани ҳақида маълумот берди. (аудиторлик текшируви хулосаси илова қилинади).

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала буйича овоз бериш бюллетенларига уз муносабатларини билдиришларини суради.

Йиғилиш кун тартибидаги **учинчи** масала буйича жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзолари йиғилишда иштирок эта олмаганлиги сабабли, тафтиш комиссияси хулосасини жамиятнинг қимматли қозғалар буйича мутахассиси С.Т.Норбутаев йиғилганларга уқиб эшиттирди, жумладан, жамият тафтиш комиссияси томонидан амалга оширилган тафтишга ҳамда жамият ташқи аудитори «ASL-MOLIYA TAXLIL» МЧЖнинг 2017 йил 28 апрелдаги ижобий аудиторлик хулосасига асосланиб:

жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида курсатилган маълумотларнинг ишончлилигини;

- бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилмаганлиги, шунингдек молия-хужалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун ҳужжатлари бузилмаганлигини;

- аффилиланган шахслар билан битимлар, шунингдек йирик битимлар тузилмаганлигини эътироф этишини маълум қилди. (тафтиш хайъатининг хулосаси илова қилинади).

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала буйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини суради.

Кун тартибидаги **туртинчи** масала буйича жамият бош мухосиби Л.В.Стрельникова сузга чиқиб, жамиятнинг 2016 йил якуний баланси ҳақида ахборот берди. Жумладан

<i>Бухгалтерлик баланси</i>		<i>Минг.сум.</i>	
АКТИВ		ПАССИВ	
Асосий воситалар	400136	Устав капитали	1849174
Узоқ муддатли инвестициялар	93720,5	Резерв капитали	189131,9
Ишлаб чиқариш заҳиралари	33146,9	Таксимланмаган соф фойда	135989
Келгуси давр харажатлар	2525126,1	Мақсадли тушумлар	267172,8
Дебиторлар	1021384,9	Кредиторлар	1667855,3
Пул маблағлари	35808,6		
ЖАМИ	4109323	ЖАМИ	4109323
		СОФ ФОИДА	135989,0

Раислик қилувчи акциядорлардан қурилган масала буйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини суради.

Кун тартибидаги **бешинчи** масала буйича жамият бош мухосиби Л.В.Стрельникова сузга чиқиб, 2016 йил молиявий натижалар буйича маълумот берди.

1. Маҳсулотарни сотишдан соф тушум- 466388000 сум
2. Умумхужалик фаолиятнинг фойдаси- 1 455889700 сум
3. Асосий фаолиятнинг фойдаси - 1218499200 сум
4. Фойдадан бошқа солиқлар ва йигимлар- 237390500 сум
5. Ҳисобот давридаги соф фойда- 135989000 сум

1.Умумий йигилиш муҳокамасига жамиятнинг 2016 йил якуни буйича Соф фойда режаси- 77613900 сум

2.Амалда соф фойда- 135989000 сум

ТАКЛИФ

- захира жамгармасига 5% - 6799500 сум;
- жамиятни моддий-техника базасини мустаҳкамлашга- 129.189.500 сум

2017 йил 1 июнь ҳолатига «Олой дехкон бозори» АЖ қарздорликлар

1. Юридик ва Жисмоний шахслардан олинган моддий ёрдам -1.418.000,0 минг сум
2. Тошкент шаҳар ИИББ хузуридаги қуриқлаш бошқармасига (айланма милиция пости) га - 37.472,8 минг сум
3. Юнусобод тумани санитария- эпидимология хизматига -1.804,0 минг сум
4. Юнусобод тумани электр тармоқлари қорхонасига -7.804,0 минг сум
5. Юнусобод тумани сув таъминоти -1.515,2
6. Юнусобод тумани махсустрас хизмати -10.529,4
7. Қўйлиқ АБЗ -26.238,8
8. ва бошқалар 31.495,7 минг сум.

Жамият мавжуд қарздорликларни коплаши учун 2016 йил молиявий натижаларига кура дивиденд бера олмаслигини мажлис иштирокчиларига айтиб утди.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала буйича овоз бериш бюллетенларига уз муносабатларини билдиришларини суради.

Йигилиш кун тартибидаги **олтинчи** масала буйича жамият директори А.Раззоқов сузга чиқиб, жамиятнинг 2017 йилга режалаштирилган “Бизнес-режаси”, ҳамда “2017 йил учун даромадлар ва харажатлар сметаси режаси” билан йигилиш қатнашчиларини таништирди Жумладан, бизнес-режасидаги 2017 йилга режалаштирилган ишлар, даромад олиш манбалари, соф фойда режасини амалда ошириш вазифасини йигилиш иштирокчилари томонидан муҳокама этилди. (“Бизнес-режаси” ва “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси” тулалигича илова қилинади).

Маърузачининг берилган саволларга жавобидан сунг, раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала буйича овоз бериш бюллетенларига уз муносабатларини билдиришларини суради.

Кун тартибидаги **еттинчи** масала буйича жамият кимматли коғозлар мутахассиси С. Норбутаев акциядорларининг навбатдаги умумий йигилиш ҳуқуқига ижроия органи раҳбари лавозимига 2017 йил 24 май куни утказилган жамият кузатув кенгашининг йигилишида жамият ижроия органи раҳбари (директор) билан тузилган шартномани амал қилиш муддатини узайтириш, ушбу ҳақда тегишли ташкилотларга маълумотлар тарқатиб, эълонни жойлаштириш чораларини куриш, танлов муддатларини белгилаб, танлов хайъати аъзоларининг таркиби тасдиқдан утганлигини таъкидлаб, бугунги йигилишга танлов хайъати аъзолари томонидан тайёрланган Хулоса билан хайъат аъзолари томонидан бажарилган ишлар юзасидан тулик тушунча берилди.

Маърузачининг берилган саволларга жавобидан сунг, раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала буйича овоз бериш бюллетенларига уз муносабатларини билдиришларини суради.

Раислик қилувчи кун тартибидаги **саккизинчи** масалага утиб, 2016 йилда жамиятнинг Кузатув Кенгаши аъзолигига номзодлар тарқатилган овоз бериш бюллетенларида келтирилганлигини билдириб, акциядорлардан ушбу масала буйича кумулятив овоз бериш йули билан овоз бериш бюллетенларига уз муносабатларини билдиришларини суради.

Раислик қилувчи кун тартибидаги **туққизинчи** масалага утиб, жамиятнинг Тафтиш комиссияси аъзолигига номзодлар тарқатилган овоз бериш бюллетенларида келтирилганлигини билдириб, акциядорлардан ушбу масала буйича овоз бериш бюллетенларига уз муносабатларини билдиришларини суради.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала буйича овоз бериш бюллетенларига уз муносабатларини билдиришларини суради.

Раислик қилувчи кун тартибидаги **унинчи** масалага утиб, жамиятнинг ходимлар буйича менеджери Норбутаев С.га суз берди, у ташкилий тузилмага киритилган узгартиришлар билан мажлис иштирокчиларини таништириб утди ва ташкилий тузилмадаги камчиликларни бартараф этиш буйича мажлис раиси тавсиялар берди.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала буйича овоз бериш бюллетенларига уз муносабатларини билдиришларини суради.

Раислик қилувчи умумий йигилиш кун тартибидаги барча масалалар куриб чиқилганини айтиб, овоз бериш натижалари санок хайъати томонидан аниқлангунга қадар танаффус эълон қилди.

(танаффусдан сунг)

Санок хайъати мажлис қатнашчиларини овоз бериш натижалари билан таништирди.

1-масала Ёқлаган 1824324 – 100, Бетараф 0 – 0,0% Қарши 0 – 0,0%	2-масала Ёқлаган 1824324 – 100% Бетараф 0 – 0,0% Қарши 0 – 0,0%	3-масала Ёқлаган 1824324 – 100% Бетараф 0 – 0,0% Қарши 0 – 0,0%
4-масала Ёқлаган 1824324 – 100% Бетараф 0 – 0,0% Қарши 0 – 0,0%	5-масала Ёқлаган 1824324 – 100% Бетараф 0 – 0,0% Қарши 0 – 0,0%	6-масала Ёқлаган 1824324 – 100% Бетараф 0 – 0,0% Қарши 0 – 0,0%
7.1.-масала Ёқлаган 1824324 – 100% Бетараф 0 – 0,0% Қарши 0 – 0,0%	9.1.-масала Ёқлаган 1824324 – 100% Бетараф 0 – 0,0% Қарши 0 – 0%	10-масала Ёқлаган 1824324 – 100% Бетараф 0 – 0,0% Қарши 0 – 0%
7.2.-масала Ёқлаган 1824324 – 100% Бетараф 0 – 0,0% Қарши 0 – 0%	9.2.-масала Ёқлаган 1824324 – 100% Бетараф 0 – 0,0% Қарши 0 – 0%	
	9.3.-масала Ёқлаган 1824324 – 100% Бетараф 0 – 0,0% Қарши 0 – 0%	
8-масала (Кумулятив овоз бериш натижалари)		
8.1. С. Косимов	1824324 - та овоз	
8.2. Р.Хакимов	1824324- та овоз	
8.3. С.Мирзаядров	1824324 - та овоз	
8.4. Т.Иброхимов	1824324 - та овоз	
8.5. Ф.Тулаганов	1824324 - та овоз	
8.6. Р.Халиллаев	1824324 - та овоз	
8.7. О.Саидахмедов	1824324 - та овоз	
8.8. А.Кайрлапов	1824324- та овоз	
8.9. Д.Шерова	1824324- та овоз	

Раислик қилувчи кун тартибидаги барча масалалар купчилик овоз билан қабул қилинганини билдирди. Санок хайъати баённомаси бир овоздан тасдиқланди.

**КУН ТАРТИБИДАГИ БАРЧА МАСАЛАЛАР
АТРОФЛИЧА МУХОКАМА ҚИЛИНИБ
ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

1. Жамият ижроия органи ҳамда Кузатув кенгашининг йиллик ҳисоботи ва улар томонидан жамиятни ривожлантириш стратегияси эришиш буйича қуриладиган чора-

тадбирлар туғрисидаги ҳисоботлари тасдиқлансин. (ёқлаган 1824324 та овоз – 100%, қарши 0,0% та овоз – 0,0%, бетараф 0 та овоз – 0,000%).

2. Жамиятнинг 2016 йил якуни буйича молиявий-хужалик фаолияти юзасидан «ASL-MOLIYA TAXLIL» аудиторлик ташкилоти, МЧЖнинг 2017 йил 28 апрелдаги ижобий аудиторлик хулосаси инobatга олинсин. (ёқлаган 1824324 та овоз – 100%, қарши 0,0 та овоз – 0,0%, бетараф 0 та овоз – 0,000%).

3. Жамият Тафтиш комиссиясининг 2016 йил якуни буйича уз ваколоти доирасига кирган масалалар, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан хулосаси инobatга олинсин ва тасдиқлансин. (ёқлаган 1824324 та овоз – 100%, қарши 0,0% та овоз – 0,0%, бетараф 0 та овоз – 0,000%).

4. Жамиятнинг 2016 йил якуни буйича йиллик ҳисоботи инobatга олинсин ва тасдиқлансин. (ёқлаган 1824324 та овоз – 100%, қарши 0,0% та овоз – 0,0%, бетараф 0 та овоз – 0,000%).

5. Жамиятнинг 2016 йил молиявий-хужалик якуни буйича олинган соф фойдасини таксимлаш тартиби тасдиқлансин, яъни - 6799500 сум захира жамгармасига, жамиятнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга- 129.189.500 сум қолдирилсин. (ёқлаган 1824324 та овоз – 100%, қарши 0,0% та овоз – 0,0%, бетараф 0 та овоз – 0,000%).

6. Жамиятнинг 2017 йилга мулжалланган «Бизнес-режа»си ҳамда «Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси» иловага мувофиқ тасдиқлансин. Жамият ижроия органи раҳбари (А.Раззоқов)га «Бизнес режа» параметрларини тулиқ бажариш чораларини куриш юклатилсин. (ёқлаган 1824324 та овоз – 100%, қарши 0,0%та овоз – 0,0%, бетараф 0 та овоз – 0,000%).

7. «Олой дехкон бозори» АЖнинг директори, Раззоқов Аҳад Анваровичнинг билан тузилган шартномани амал қилиш муддатини узайтириш тасдиқлансин (ёқлаган 1824324 та овоз – 100%, қарши 0,0% та овоз – 0,0%, бетараф 0 та овоз – 0,000%).

8. Жамият Кузатув Кенгаши аъзолигига кумулятив овоз бериш йули билан қуйидагилар сайлансин:

8.1. Косимов Сардор– Юнусобод тумани ҳокимининг биринчи уринбосари
1824324 - та овоз

8.2. Ҳакимов Рауф - Ўзбекистон -Пазандалар уюшмаси раисининг уринбосари
1824324 - та овоз

8.3. Мирзаядиёров Сардор - Яшнобод тумани Савдо департаменти бошлиғи
1824324- та овоз

8.4. Иброҳимов Тулқин - «Тошбозорсавдо» уюшмаси булим бошлиғи
1824324- та овоз

8.5. Тулаганов Фарход - «Тошбозорсавдо» уюшмаси булим бошлиғи уринбосари
1824324 - та овоз

8.6. Саидахмедов Оқил - «Тошбозорсавдо» уюшмаси бош мутахассиси
1824324 - та овоз

8.7. Халиллаев Расулжон - Савдо департаменти бошлиғи маслаҳатчиси
1824324 - та овоз

8.8. Кайрлапов Александр - Акциядор «Сток Инвест» ШК раҳбари
1824324 - та овоз

8.9. Шерова Дилдора - Акциядор
1824324 - та овоз

9. Жамият Тафтиш комиссиясига Ибрагимова Гулчехра (ёқлаган 1824324 та овоз – 100%, қарши 0,0%та овоз – 0,0%, бетараф 0 та овоз-0,000%. Холматова Тамара (ёқлаган 1824324 та овоз – 100%, қарши 0 та овоз – 0,000%, бетараф 0.0% та овоз-0.000%, Муродов Санжар сайлансин. (ёқлаган 1824324 та овоз – 100%, қарши 0.0% та овоз -- 0.0%. бетараф 0 та овоз-0,000%.

10. Жамиятнинг “Ташкилий тузилмаси”га киритилаётган узгартиришлар маъқуллансин ва қайта тасдиқлансин.

Баённома имзоланган сана: «30» июн 2017 йил.

Ингилиш раиси

Ф.Тулаганов

Котиб

С.Норбутаев